

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

УДК: 371.1+374.6

ПЕДАГОГИК ТАШХИС – ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ВОСИТАСИ

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ДИАГНОСТИКА – СРЕДСТВО НЕПРЕРЫВНОГО ПОВЫШЕНИЯ  
КВАЛИФИКАЦИИ УЧИТЕЛЕЙ

PEDAGOGICAL DIAGNOSIS – MEANS OF TEACHERS' CONTINUOUS PROFESSIONAL  
TRAINING

Р.Юлдашов<sup>1</sup><sup>1</sup> Р.Юлдашов

— Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети.

**Аннотация**

Мақолада малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни ёритилган бўлиб, ўз навбатида, малака ошириш ва қайта тайёрлашда педагогик ташхиснинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

**Аннотация**

В статье рассматривается роль повышения квалификации и переподготовки учителей в повышении эффективности обучения, показано значение педагогической диагностики в повышении квалификации и переподготовки учителей.

**Annotation**

The article deals with the role of teacher training and retraining system of efficiency of education. It also substantiates the relevance of pedagogical diagnostics in the training and retraining of teachers.

**Таянч сўз ва иборалар:** ўқитувчи, ўқитиш босқичлари, малака ошириш, ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, коммуникатор, педагогик-касбий йўналганлик, педагогик ташхис.

**Ключевые слова и выражения:** учитель, этапы обучения, повышение квалификации, подготовка и переподготовка учителей, коммуникатор, педагогическо-профессиональная направленность, педагогическая диагностика.

**Keywords and expression:** teacher, stages of training, teacher training, teacher retraining, communicator, pedagogical vocational, pedagogical diagnostics.

Давримиз инсонни мустақил фикрли шахс сифатида ҳар бир сонияда ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юритиб, ўзи учун хулосалар чиқаришга мажбур этмоқда. Яъни, бу чексиз оламда биз ўзимизни ўзгаларсиз, ўз манфаатларимизни ўзгалар манфаатисиз тасаввур қила олмаганимиз учун ҳам инсонлар психологиясини билишга мажбурмиз. Зеро, бугунги давлатимизнинг сиёсати инсон манфаатини ҳимоя қилиш, унинг учун муносиб турмуш тарзини яратишга қаратилмоқда. Айнан шу жараёнда педагогларимизнинг ўрни ва роли муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама раванқ топишига бағишлаган устоз ва

мураббийларимиз, замондошларимиз билан чексиз фахрланамиз” [1].

Таълим тизими барча даврларида, ўзи бошидан кечирган барча ислохотларга кўра, фақат бир нарсада – ислохотларнинг тақдири ўқитувчига, унинг касб маҳоратига боғлиқлигида бирдек устувор аҳамият касб этаверади, шунга кўра, улар маҳоратини ташхислаш ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга масала ҳисобланади.

Ўқитувчилар малакасини оширишда даража кўрсаткичларини ишлаб чиқишда малака тавсифномалари ва давлат талабларида белгиланган тавсифномалар талабларига таяниш мумкин. Бу тавсифномалар уларнинг таянч ўқитувчилик тажрибасини шакллантириш мақсадини ташхис асосида йўлга қўйиш даражасигача ривожлантиришга ҳамда узлуксиз малака оширишнинг ўқув дастурлари ва режаларини ишлаш учун асос бўла олади.

В.П.Беспалько ташхис нуқтаи назаридан, умумтаълим мактабида

мақсадли таълим ва назоратнинг уч даражасини таклиф этади. Булар – глобал, босқичли ва тезкор даражалар. Мақсадли таълимнинг глобал даражаси босқичма–босқич тайёргарликнинг асосий мақсадларига кўра фарқланади. Малака оширишда, фикримизча, булар ўқитувчи касбий тикланишининг турли босқичлари бўлиши мумкин. Шунга кўра, ўқитувчилар малакасини оширишда мақсадли таълимнинг босқичларини белгилаш долзарб масаладир.

Албатта, психологик-педагогик, ижтимоий-педагогик жиҳатдан бу муаммо маълум даражада ишланган.

Ўқитувчилар малакасини оширишнинг тезкор мақсадли таълим даражаси таълим мазмунини ташкил этувчи ўқув предметлари мазмуни ва методикасидаги янгиликларни ўрганиш мақсадини шакллантиришни кўзда тутлади.

Ўқитувчилар малакасини оширишни ташхис қилишда унинг касб маҳоратининг бошқа мезонлари орқали ҳал этишга кўп бор уринишлар бўлган. Масалан, ўзбек педагог олими К.Зарипов "таълим ва тарбия, таълим берувчи ва таълим олувчилар шахси билан боғлиқ исталган педагогик ҳодиса педагогик ташхис қилиш объекти бўла олади" [2] деб ёзганида мутлақо ҳақ эди.

Р.З.Гайнутдинов, Ю.К.Гуськов, А.М.Жабборов ва бошқалар педагогик ташхис қилиш мақсадида ўқитувчи педагогик фаолиятининг ахборот, ташкилотчилик конструктив, коммуникатив, йўналтириш, ривожлантирувчи ва тадқиқотчилик каби сифат ва компонентларини ўрганишни таклиф қиладилар.

Ф.Н.Гоноболдин эса ўқувчини ўрганиш предмети сифатида талқин этиб, педагогика ва психологияда ўқувчи ўрганиш предмети сифатида тадқиқ этилган ишлар сони ўқитувчи ўрганиш предмети сифатида тадқиқ этилган тадқиқотларга нисбатан анча кўп деб ҳисоблайди. Бизнингча, бу фикрга тўлиқ қўшилиш қийин.

Ўзбекистон ва чет элларда педагогик фаолиятни тадқиқ этиш натижасида ҳамда ўқитувчи шахсига қўйилаётган талаблар билан боғлиқ тарзда ўқитувчи шахсига доир хусусиятларнинг қатор таснифи таклиф қилинган. Уларнинг барчасини ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимларида объектив

ўрганиш ва ташхис қилиш мумкин.

Таълим-тарбияга ўқувчилар ва ўқитувчи (реципиент ва коммуникатор) ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни сифатида қараган I.Kotolj таъсир ўқув самарадорлигига таъсирни коммуникатор томонидан амалга ошириладиган раҳбарлик намойиши билан боғлайди. Таълимга раҳбарликда ҳукмронлик мавқеини ушлаб турувчи коммуникаторнинг юқори нуфузни, шахсий мақсадларига эришиш воситалари устидан назорати, рағбатлантириш ва жазолашни амалга оширишдаги ваколоти, ишончлиликни таъминлашдаги имкониятлари, шунингдек, динамизми, қатъияти, ташаббускорлигини қувватловчи хусусиятлар комплекси сифатида баҳолайди. Лекин коммуникатор (яъни, ўқитувчи)нинг доминантлиги ва ташаббуси ортиши фақат коммуникаторлар қадриятли йўналганлиги ўхшашлигидагина самарали бўлиши аниқланган. Бошқа ҳолатларда бу салбий натижаларга олиб келади. Ўқитувчи шахсида юқоридаги сифатлар ривож ва моделлар ишончлиги заруриятини эътироф этган ҳолда, таъкидлаш жоизки, ўқитувчи шахсига доир ижобий сифатлар бирлиги, унинг малакалари, кўникмалари ва қобилиятлари фақат жиддий педагогик-касбий йўналганлик мавжуд бўлгандагина "ёрдам беради", "ишлайди".

Н.В.Кузьмина, Ф.Н.Гоноболдин, В.А.Сластёнин ва бошқалар касбий-профессионал йўналганлик ўқитувчи шахси асосий хусусиятларини тўлдирувчи ўзига хос каркас деб ҳисоблашадики, бунга биз ҳам тўла қўшиламыз.

Шарқнинг улуғ мутафаккирлари асарларида етакчи шахснинг зарур касбий ва шахсий сифатлари намоён бўлади.

Беруний, Форобий, Ибн Сино, Тусий, Киндий, Кайковус ва бошқа алломаларнинг асарларини ўрганиш бугунги таълим, жумладан, касбий таълим учун айрим долзарб жиҳатларни ажратиш кўрсатиш имконини беради. Масалан, улар томонидан баён этилган мазмун танлаш тамойилини замонавий касб педагогикасида муваффақиятли қўллаш мумкин.

"Педагогик ташхис ўқитувчи касб маҳоратини яқка, гуруҳ ва жамоада ўрганиш воситаси ва методикаси сифатида ўз - ўзини кузатиш, ўз - ўзини таҳлил, ўз-ўзини баҳолаш ва эксперт баҳолашнинг мураккаблашиб

бораётган методлари тизимидан иборат, бу нафақат ўрганилаётган объект фаолият ва шахс мақсади, вазифалари ва характериға энг кўп даражада мос келади, балки ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчини тадқиқ этишнинг ягона воситаси саналади” [3,437] деб ёзади К.Зарипов.

Қўлланиладиган педагогик ташхиснинг барча методлари аҳамиятини камситмаган ҳолда, касбий маҳорат ва ўқитувчи касбий фаолиятини ўзи баҳолашининг ҳам ижобий натижалар беришини таъкидлаш жоиздир.

Ўз-ўзини баҳолаш - шахснинг ўз-ўзини, ўз имкониятлари, бошқа кишилар орасидаги ўрни ва сифатларини баҳолашидир. Инсоннинг атрофидагилар билан ўзаро муносабатлари, унинг ўзига нисбатан талабчанлиги, муваффақият ва муваффақиятсизликларга муносабати ўз - ўзини баҳолашига боғлиқ. Ўз- ўзини баҳолаш инсон фаолияти самарадорлиги ва кейинги ривожига таъсир этади [4,94].

Р.З.Гайнутдинов, А.М.Жабборов, К.Зарипов тадқиқотларида асосланишича, ўзбек мактаблари ўқитувчиларида ўз - ўзини баҳолаш, айниқса, у педагогик фаолиятнинг сифат ва компонентларига тааллуқли бўлса, дарҳол намоён бўлади .

“Ўз-ўзини англашнинг бу вазифалари ролини, – деб ёзади К.Зарипов, – гиперболизлаштириш (мутлақлаштириш) мумкин эмас, ўз-ўзини баҳолашлар етарлича объектив ёки нообъективлигига ишонч ҳосил қилиш учун уларни ўқитувчининг аниқ хатти - ҳаракати ва унга атрофдагилар томонидан бериладиган баҳолар билан қиёслаш зарур...”[5,276] .

Айнан шу мақсадларда эксперт баҳолашдан фойдаланади. Ўқитувчи

фаолияти ва шахсини баҳолаш учун эксперт баҳолашдан фойдаланиш зарурияти шу билан изоҳланадики, педагогик ҳодиса ёки жараёнларни ўлчашнинг аниқ маълумотлари ва усуллари ҳали мавжуд эмас. Эксперт баҳолаш фаолиятнинг шу соҳаси бўйича тегишли мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Ўқитувчиларнинг ўз касб маҳорати даражасини ўзи баҳолаши ва эксперт баҳолаш кузатишлар, суҳбатлар, сўровномалар, вилоят ХТБ ва вилоят ПХМОИ ходимлари текширувлари натижалари билан тўлдириб борилади.

Ўқитувчилар педагогик фаолият самарадорлиги ва улар малакасини оширишга таъсир этувчи ташқи омиллар ташхиси ҳам шу каби ёндашишни талаб қилади (оилавий – маиший соҳа, меҳнат шароитлари, ижтимоий - иқтисодий омиллар ва ҳ.к.).

Фикримизча, ўқитувчилар касб маҳорати даражаси ва улар малакасини ошириш босқичлари ташхисида жинс, иш жойи (шаҳар, қишлоқ), предмет ва иш стажи каби омилларни ҳам ҳисобга олиш керак. Шунчаки иш стажи ўз - ўзича эмас, балки касбий фаолиятга муносабат ўқитувчилар малакасини оширишни ташкил қилиш мезонини белгилайди.

Ўқитувчиларда касб-маҳорати ташхиси, мақсадли таълимга мувофиқ глобал, босқичли ва тезкор даражада амалга оширилиши мумкин. Ташхис қилинган ўқитувчилар касб маҳоратини шакллантириш мақсадлари иерархияси уни мақсадли таълимнинг турли даражалари ва касбий тикланиш босқичларида объектив назорат асосида кузатиш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар тарбияси – энг муҳим масалалардан —Т., 2017 й., 19 июнь.
2. Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур —Т.: Халқ сўзи, 2019. 24 август.
3. Зарипов К. Педагогическая диагностика в системе непрерывного повышения квалификации учителей. Дисс.док.пед.наук. Бухарский пед. институт. 1989.
4. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. — М., 1990.
5. Жаббаров А.М. Психологические и этнические особенности учителя узбекской школы: Дисс... доктора псих.наук. — Т., 1999.

(Тақризчи:Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).